

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2025, № 6 (12)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES
Scientific journal

ТОШКЕНТ-2025

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Иляс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор, Академик
Ўзбекистон Миллий университети
Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети
Ишанхужаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулов Ахмад Баймаҳаматович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Убайдуллаева Барно Машрабжоновна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Очилдиев Файзулла Бобоқулович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Саидбобоев Зокиржон Абдукаримович
тарих фанлари номзоди, профессор
Ўзбекистон Миллий университети
Азизов Илдар Рафаэлевич
тарих фанлари доктори (DSc)
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби

Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Баҳранов Шерзод Таштурсунович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Жамоат ҳафсизлиги университети
Алиязарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Холиқулова Шахноза Боймуҳаммадовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Навоий Давлат педагогика институти
Нормуродов Дилмурод Раҳматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Америка технологиялар университети
Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Усаров Умид Абдумавлянович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети
Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети
Эшқувватов Бобир Валикул ўғли
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет
Национального Университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib,
Faculty of history of the National
university of Uzbekistan named after
Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/>
E-mail: I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1	Abduraxmonova Kamolaxon Ravshanjon qizi TIBBIYOT ANTROPOLOGIYASI DOIRASIDA BEMORLARNING KASALLIKLAR JARAYONIGA BO‘LGAN QARASHLARINI TAHLIL QILISHNING METODOLOGIK ASOSLARI	5
2	Artikov Ulug‘bek Latifjon o‘g‘li BO‘Z RANGLI SOPOL IDISHLARNING KELIB CHIQISHI VA RIVOJLANISHI	12
3	Askarov Ollabergan Ikrom o‘g‘li FARG‘ONA VODIYSI SO‘NGI BRONZA-ILK TEMIR DAVRI TARIXI PALEOBOTANIK MATERIALLARDA AKS ETISHI	24
4	Бахранов Шерзад Таштурсунович СОВЕТ ХУКУМАТИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВАЗИФАЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ MASALASI ТЎҒРИСИДА	36
5	Mo‘ydinov Doniyorjon Avazbek o‘g‘li AMIR TEMUR VA TEMURIYLAR DAVRI DARYO KECHUVLARI TARIXSHUNOSLIGIGA DOIR AYRIM MULOHAZALAR	55
6	Normurodov Dilmurod Raxmatullyevich KITOB TUMANIDAGI SANGANAK (MAKRID) SOY HAVZASIDA OLIB BORILGAN YANGI ARXEOLOGIK QIDIRUV ISHLARI NATIJALARIDAN	60
7	Norova Dildora Radjabovna BOSH KIYIMLARI VA ULARDAGI ZARDO‘ZLIK SAN’ATINING O‘ZIGA XOSLIGI	76
8	Nosirova Dlrabxon Ikromjon qizi KORONAVIRUS PANDEMIYASI VA UNING TA’SIRIDA OVQATLANISH MUASSASALARI FAOLIYATIDAGI O‘ZGARISHLAR	84
9	Облобердиев Жасурбек Косим угли КОНТАКТНАЯ И ЭНДОГЕННАЯ МОДЕРНИЗАЦИЯ ТРАДИЦИОННОГО ГОСУДАРСТВА: БУХАРА ПРИ МУЗАФФАРЕ И АБДУЛАХАДЕ	90
10	Priniyazov Jetkerbay Adilbayevich QIZIL ANGOBLI SOPOL IDISHLARNING QO‘QON SHAHRINING YOSHINI ANIQLASHDAGI O‘RNI	100
11	Qulboyev Nishonboy Sobur o‘g‘li SANGZOR HAVZASINING TOG‘-OLDI HUDUDLARIDA ANIQLANGAN YANGI YODGORLIKLARNING LANDSHAFT-XO‘JALIK TIZIMI	110
12	Муминов Алишер Гаффарович., Эрназаров Шермухаммад Эшбекович ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ ДЕКАНЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ЧИЗГИЛАР	120

13	Рахимова Ирода Халимовна МЕЖДУНАРОДНАЯ ОБСТАНОВКА И ЕВРОПЕЙСКИЕ МИССИИ В ОСМАНСКОЙ ИМПЕРИИ: ГЕРМАНИЯ И ВЕЛИКОБРИТАНИЯ (XIX В.)	134
14	Саидова Шахноза Шахназаровна УЧАСТИЕ НЕГОСУДАРСТВЕННЫХ НЕКОММЕРЧЕСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ В РЕАЛИЗАЦИИ НАЦИОНАЛЬНЫХ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ПРОГРАММ УЗБЕКИСТАНА	143
15	Tuxtabekov Kozimbek Azimbekovich “ULUS” ATAMASINING KELIB CHIQISHI VA TARAQQIYOT BOSQICHLARI	160
16	Унгарова Ойдин Кобулжон кизи ИСТОРИЯ ИНКЛЮЗИВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ С 1991 ПО 2023 ГОДЫ: ПРОБЛЕМЫ И ДОСТИЖЕНИЯ	168
17	Xakimova Shoira Sag‘dullayevna O‘ZBEKISTONDA QAYTA TIKLANUVCHI MANBALAR DOIRASIDA SHAMOL ENERGIYASIDAN FOYDALANISH TARIXI	176
18	Ҳамраев Суннатилло Аллабердиевич БУХОРО АМИРЛИГИГА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ТОМОНИДАН ЮБОРИЛГАН А.Ф. НЕГРИ МИССИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИ	184
19	Xolliyev Azizbek Go‘zalovich XIX ASRDA JAHON TEMIR YO‘L QURILISHI: ASOSIY YO‘NALISHLAR VA TENDENSIYALAR	195
20	Xolikulov Axmadjon Boymaxammatovich BUXORO AMILIGINING QO‘QON XONLIGI BILAN MUNOSABATLARI	208
21	Xomitov Ravshan Xomitovich MARKAZIY OSIYO DAVLATLARIDA MILLIY OZCHILIK HUQUQLARINING TA‘MINLANISHI MASALASIGA OID	221
22	Шакиров Ильяс Рахимзянович КУЛЬТУРНО-ГУМАНТАРНЫЕ СВЯЗИ УЗБЕКИСТАНА И ФИЛИППИН: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННЫЙ ЭТАП	229
23	Эргашев Хусан Юсуп ўғли ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИНИНГ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ЛОЙИҲАЛАРДАГИ ИШТИРОКИ (TACIS-TEMPUS МИСОЛИДА)	237
24	Eshkuvatov Bobir Valikul o'g'li GLOBALLASHUV TENDENSIYALARI VA UNING DINIY-MAFKURAVIY HAYOTDA NAMOYON BO‘LISHI	242

Бахранов Ш. Т.

«Ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ва ёшлар билан
ижтимоий ишлаш» кафедраси уқитувчиси, PhD
Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги университети
Sherofkun82@mail.ru

СОВЕТ ҲУКУМАТИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ВАЗИФАЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ МАСАЛАСИ ТЎҒРИСИДА

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола совет ҳукуматининг Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий тадқиқот вазифалари доирасидаги сиёсатига бағишланган. Ҳужжатда пахтачилик институти фаолияти, хусусан, пахтачилик соҳасидаги илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш ва йўналтириш масалалари таҳлил қилинган. Тадқиқот шуни исботлайдики, институт пахта етиштиришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш ва пахта етиштиришда янги технологияларни жорий этишга ҳисса қўшди. Шунингдек, ҳужжатда илмий-тадқиқот институтлари ва кадрлар масалалари билан шуғулланадиган ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинади; шунингдек, Совет ҳукумати илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа бирлашмалар фаолиятига мунтазам равишда аралашганлиги, бу эса ушбу ташкилотларнинг иши ва фаолиятига салбий таъсир кўрсатганлигини исботлайди.

Калит сўзлар: сиёсат, Совет ҳукумати, илмий тадқиқот масаласи, қишлоқ хўжалиги, Ўзбекистон ССР, пахтачилик.

КИРИШ

Ўрта Осиё буюк ипак йўлида жойлашганлиги сабабли қадим замонлардан бери Россияни кизиктириб келган, бу Шарқ ва Ғарбни боғлайдиган муҳим марказ бўлиб, ўз-ўзидан савдо ва товар айирбошлаш учун жозибадор бўлиб, савдогарлар ва олимларни жалб қилган. Кейинчалик, XIX-асрда Россия империяси чегара хавфсизлигини таъминлаш учун Ўрта Осиёдаги майдонларини кенгайтди ва шу билан бирга у хом ашё олиш йўлига эга бўлди. Пахта Россия империяси учун тўқимачилик саноати учун хом ашё манбаи сифатида муҳим иқтисодий ва геосиёсий рол ўйнади, бу эса Ўрта Осиёни босиб олиш айниқса Туркистон ўлкасини ва Россиянинг хом ашё базасига айлантиришга олиб келди ва унинг пахтага бўлган талабининг ортиб боришини таъминлади. XIX - асрнинг ўрталарида Россия Туркистон ўлкасини асосий хом ашё манбаига айлантириб, Шимолий Америкадан пахта импортига қарамлигини камайтиришга интилди. Туркистон ўлкасини забт этишга купкина сабаблар булган, пахта таъминотини узлуксиз таъминлаш зарурати сабаблардан биттаси ҳам бўлган. Россия ҳукумати Туркистонда анъанавий экинларни урнига, майдонларни кенгайтириш орқали пахта етиштиришни рағбатлантирди. Ушбу мақола совет ҳукуматининг Ўзбекистон

ССРда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий тадқиқот вазифалари доирасидаги сиёсати бағишланган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Туркистонда пахта саноатининг монополлашуви туфайли бошқа анъанавий қишлоқ хўжалиги экинлари чиқариб ташлаш, бу эса маҳаллий қишлоқ хўжалиги таркибининг ўзгаришига олиб келди.

Минтақанинг иқтисодий ривожланиши, табиий ресурсларни ўрганиш, шунингдек маъмурий тизимни шакллантириш ва ҳудуд устидан сиёсий назоратни кучайтириш учун Россия империяси Ўрта Осиёда илмий-тадқиқот институтларини ташкил этди.

Тадқиқот минтақанинг қишлоқ хўжалиги, саноати, географияси ва этнографиясига тегишли бўлиб, бу Россияга янги олинган ерларни яхшироқ бошқариш ва эксплуатация қилишга ёрдам берди. Биринчидан, Россия пахтани ўрганиш, Ўрта Осиёда пахтачиликни ривожлантириш, ўз тўқимачилик ишлаб чиқариши ва саноатини хом ашё билан таъминлаш, шунингдек, Туркистонда пахта етиштиришни яхшилаш бўйича илмий-тадқиқот институтларини яратди. Институтларнинг фаолияти пахта навларини ўрганиш ва яхшилаш, ҳосилдорликни ошириш ва илғор технологияларни жорий этишга қаратилган бўлиб, бу минтақани Россия империяси учун муҳим пахта ишлаб чиқариш марказига айлантиришга ёрдам берди.

Илмий тадқиқот институтларидан бири 1929 йил Тошкентда Ленин орденли Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти (СоюзНИХИ) Ўрта Осиёда пахтачилик масалалари билан шуғулланадиган барча илмий ташкилотларни бирлаштирган Бутуниттифоқ пахтачилик илмий – тадқиқот институти ташкил этилди.

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти таркибида Ўзбекистон ССРда Фарғона вилоятининг Асака шаҳрида Л.В.Румишевич номидаги Андижон филиали, Хоразмдаги Урганч филиали, Қорақалпоғистон АССРдаги Чимбой шаҳридаги филиаллари ўз фаолиятини давом эттирди. Туркменистон ССРда кейинчалик Туркменистон илмий тадқиқот институтига айлантирилган Илон-ота станцияси, Тожикистон ССРда кейинчалик Тожикистон ССР Илмий тадқиқот институтининг таркибига ўтказилган В.П.Крисичков номли Кўрғонтепа станцияси, Қозоғистон ССРдаги 1990 йилларга келиб Сирдарё вилоятининг Пахта орол ҳудудида ўтказилган Чимкент станциялари ишлаган.

СИКП МҚнинг 1934 йил 29 августдаги “Пахтачиликда уруғчилик ишларини яхшилаш чора-тадбирлари ҳақида”ги фармойишидан келиб чиқиб, институтда 1937 йилга қадар Америка, Миср, маҳаллий пахта навлари, ингичка ва ўрта толали навлар тадқиқ этилди. Бу ишларда марказ ходимларидан С.С.Канаш, П.В.Могильников, Г.С.Зайцев, Я.Д.Нагибин, Р.Р.Шредерлар фаол бўлдилар. Пахта навларини ўрганадиган майдонлар ҳам ажратилиб, 1937 йилга келганда Марказий селекция станциясининг тажриба майдонлари 1 млн.га.га етди[1].

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти таркибида бўлган Марказий селекция станциясининг ўзи ҳам 1929-1931 йилларда СССР мустақил пахтачилигини шакллантириш мақсадида селекция – уруғчилик ишларини қайта кўриб чиқиш билан шуғулланди[2]. Буғдой экинларини ўрганиш билан 1938 йилгача шуғулланди. Шунингдек, 1960 йил Ўзбекистон кишлок хўжалик академияси фармойишига биноан Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти қошидаги Марказий селекция станцияси Ўзбекистон ССР Пахта уруғчилиги ва селекцияси Институтига айлантирилди.

1957 йилдан Бутуниттифоқ пахтачилик илмий – тадқиқот институти Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик Академияси таркибига киритилди. 1956-1957 йилларда Тожикистон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР, Туркменистон ССР ер ишлари илмий тадқиқот институтлари очилиб СоюзНИХИ таркибида бўлган Тожик, Илон ота (ёки ИОЛОТАН), Байрам - али, Чорджўй, Қозок, Пахта – Орол, Қирғис тажриба станцияларига ана шу институтларга берилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик Академияси таркибига киритилган Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти 1957 йилларда республиканинг ўзида 4 та марказий ва 6 та минтақавий тажриба станцияларига эга бўлди. Институт соҳаси билан боғлиқ бўлган янги лабораториялар очилди. Жумладан, 1960 йилда “Радиацияли селекция”, 1960 йилда “Иммунитет генетикаси”, 1960 йилда “Сунъий иқлим”, 1962 йилда “Уруғшунослик”, 1965 йилда “Биохимия”, 1970 йилда “Микология”, 1973 йилда “Информация ва патентлаш”, 1976 йилда “Паст бўйли навлар селекцияси, 1987 йилда “Пахта биотехнология” лабораториялари очилди [3]. Улар республиканинг барча пахтачиликка ихтисослашган худудларида жойлашди. Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтига: пахта етиштирадиган колхоз, МТС, совхозларда иқтисод ва ишлаб чиқаришни ўрганиш; пахта, кўп йиллик ўтлар, маккажўхори, жўхори етиштиришда агро-техник тадбирлари; киш учун тупроқ таркибини ўрганиш; пахта экиладиган ерларни ҳосилдорликдаги самарадорлигини оширишдаги ўрни ва бошқалар каби вазифалар юклатилди. Шунингдек, институт пахта хом ашёси, кўсак, пахта шохларини йиғиш, очилмаган пахта, кўсакларни терадиган машиналар устида ишлади[4].

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти ва бошқа илмий - тадқиқот муассасаларининг кўпгина тадқиқотлари натижасида экишга тупроқнинг 10 см. чуқурликда, ўртача ҳарорати 13-15 даражага етганда ва унинг янада ошиши кутилганда киришиш таҳлил қилиб берилди. Бу муддат Ўзбекистон ССРнинг турли худудларида турлича бўлиши таҳлил қилинди. Тадқиқотларда Сурхондарё ва Қашқадарё областларида экиш учун қулай шароит 28 мартдан 15 апрелгача, Бухоро ва Сирдарё областларида 1 апрелдан 15 апрелгача, Тошкент, Фарғона, Наманган, Андижон ва Самарқанд областларида 5 апрелдан 15 апрелгача, Хоразм облатида ва Қорақалпоғистон АССР шимолий районларида 15 апрелдан 30 апрелгача белгилаб берилди. Ҳар йилнинг метеорологик шароитига қараб бу муддатлар 3-5 кун аввал ёки

кейинга сурилиши мумкинлиги ҳам асослаб берилди. Аниқ уялаб экиш энг истиқболли бўлиб, кўп меҳнат талаб қилувчи иш – ғўзани яганалашни бекор қилади[5].

Бироқ, бу тадбир пахтачиликда кенг қўлланилмади. Яхши сифатли, тезпишар ҳосил олишда ягана қилиш муддатлари муҳим аҳамият касб этди. Бу иш 5-10 кунда, ғўзада иккита чинбарг чиққунча тугатилиши исботланди. Бутуниттифоқ пахтачилик илмий – тадқиқот институти (СоюзНИХИ) тажрибаларига кўра, ундан кейинги пайдо бўлган ҳар бир барг ҳосилдорлик 1,5-2 центнергача камайишига олиб келиши исботланди. Бироқ, кўпгина хўжаликларда ҳатто районларда яганалаш бир ой давомида ва ундан кўп вақтда ўтказилди. Ҳаттоки, пахтанинг шоналаш ва гуллаш вақтида ҳам ўтказилди, бу эса ҳосил ва унинг сифатига зарар келтирди. Яганалаш қанча кеч ўтказилса, далада қолдирилаётган ўсимликлар илдизининг зарарланиш хавфи ортди. Зарарланган илдиз тизими уни 20-30 кун давомида тўғри парвариш қилинганида ўз “иш қобилятини” эгаллади. Бу ўсимликлар сувни, озуқа моддаларни максимал истеъмол қилиш қобилятини йўқотди[6].

1961 йилда V типли ҳосилдорлиги юқори ва тез пишадиган тола районлаштирилди ва у асосий экиладиган пахта нави бўлиб қолди. 300-350 минг га. ерга экилгани билан вильт касаллигига қарши турадиган тип тола бўлиб қолди. Бу йилларга келганда Тошкент вилояти, Фарғона водийси, Сурхондарё вилоятининг пахта экиладиган кўп ҳудудларида вильт касаллиги тарқалган бўлиб, 500-600 минг тонна пахта кам йиғилишига сабаб бўлди. Бу яна генетикларни олдига янги пахта навларини яратишни талаб этди.

1971 йилда институтга Туркистон селекция станцияси ташкилотчилардан бири Г.С.Зайцев номи берилди[7]. Институт олдига қўйилган талаблар ва пахтачиликка эътиборнинг ортиб бориши билан институтнинг мақоми ҳам ортиб борди. 1977 йилда СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг 26 апрелдаги фармойишига биноан институт Бутуниттифоқ пахтачилик бўйича селекция ва уруғчилик маркази мақомига эга бўлди. Марказ олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида 1979 йилда вильтга қарши турадиган С-9063 пахта нави, 1981 йилда В.П.Страумал, А.И.Тишин, К.А. Тешабаев, В.М. Ефименко ихтиро қилган С-4880 пахта навлари Давлат синовига берилди.

Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг ўзида фаолият олиб борган институт олимлари тупроқнинг унумдорлигини ошириш йўллари, пахтанинг иқтиқболли навларини яратиш борасида изланишлар олиб бордилар. Олимлар томонидан агротехник тадбирлар, алмашлаб экишни жорий этиш, кимёлаштириш, ғўзани жойлаштиришнинг янги технологияси қўлланилди. Бу кўпроқ Андижон, Фарғона, Наманган областларида қўлланилди[8]. Хўжаликларда олимлар томонидан хўжаликларга вильтга қарши агротехника тизимлари, чигитни экиш вақтида ва экишдан аввал минерал ўғитларни солиш, механизация воситасида чеканка қилиш, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига ва бошқаларга қарши кураш усуллари тавсия этилди.

1970 йилларнинг бошидан бошлаб республикадаги пахта экиладиган хўжаликларда институт олимлари томонидан вильтга чидамли “Тошкент – 1-2-3”, “159-Ф”, ингичка толали пахтанинг “6030-С” каби навлари экила бошлади. Институт олимлари вильтга чидамли, тезпишар ва серҳосил тўртинчи ва бешинчи типдаги янги пахта навларини, жумладан ўртача тола берадиган “Тошкент-1”, 108-Ф, С-4727, “Қизилравот” ва бошқа навлар, шунингдек ингичка толали пахта навлари – 5904-И, 9647-И, 6249-В ва бошқа навлар экилди[9]. Институт олимлари томонидан пахтанинг 30 га яқин янги навлари ихтиро қилинди[10]. Лекин, бу навлар экилиши билан жойида яхши қарамаслик, тупроқнинг таркиби мунтазам экин экилиши, кимёвий моддаларнинг кўплаб сепилиши натижасида ҳосилдорлик камайиб борди. Ҳатто, кўплаб қўлга киритилган янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этишда узилишлар содир бўлди.

Юқоридагиларга кўра шуни айтишимиз мумкинки совет ҳокимияти томонидан пахта етиштиришни кўпайтириш, унинг сифатини ошириш ва пахта етиштиришда янги технологияларни жорий этишга катта қизиқиш бўлганидан далолат беради. Шу мақсада Ўрта Осиёда пахтачилик масалалари билан шуғулланадиган барча илмий ташкилотларни бирлаштирган Бутуниттифоқ пахтачилик илмий – тадқиқот институти ташкил этилди. Бутуниттифоқ пахтачилик илмий – тадқиқот институтида фаолият олиб борган олимлар Ўрта Осиёда пахтачилик масалалари билан шуғулланган ва натижада янги технологияларни қўлланиш бўйича таклифларни берганлар, пахтани иқтиқболли навларини яратиш борасида изланишлар олиб борганлар.

Ресурсларни ривожлантириш, халқаро таъсирни кучайтириш каби сиёсий, иқтисодий ва мудофаа мақсадларига эришиш, шунингдек мафкуравий назоратни ўрнатиш ва фанинг марксизм-ленинизм тамойиллари ва социализм куриш мақсадларига мувофиқлигини таъминлаш учун совет ҳукумат илмий тадқиқотларга аралашди. Илм-фан ҳаётнинг бошқа соҳалари қатори коммунистик идеалларни тарғиб қилиш ва мукаммал жамият қиёфасини шакллантиришга бўйсунди, бу эса илмий ютуқларни ҳаёлий ва мафкуралаштиришга олиб келди. Мафкуравий назорат мамлакатнинг илмий салоҳиятига зарар етказди, фикр эркинлигини чеклади ва объектив билимларга тўсқинлик қилди.

Совет Иттифоқи мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ўзини ўзи таъминлайдиган ишлаб чиқаришни яратиш ва иқтисодий фойда олиш мақсадида пахтачиликни назорат қилди, чунки пахта енгил саноат учун стратегик муҳим хом ашё эди.

Совет ҳукуматининг илм-фанга аралашуви салбий оқибатларга олиб келди, натижада тадқиқотларни мафкуралаштириш, номақбул олимларни таъқиб қилиш, бир қатор соҳаларда турғунлик ва илмий тадқиқотлар еркинлигини бостириш. Пахта етиштиришни барқарор давом эттириш мақсадида Марказий Комитет Ўзбекистон ССРнинг айрим ҳудудларидаги ишларнинг ҳақиқий ҳолатини билмасдан, илмий-тадқиқот институти ва шу

соҳасидаги тадқиқотлар билан шуғулланадиган бошқа бирлашмалар фаолиятига аралашди ва натижада бу ҳолатлар салбий таъсирини кўрсатди.

СИКП МҚнинг 1976 йил 24 февралдан 5 мартга қадар бўлиб ўтган XXV съездида қабул қилинган “Хўжаликлараро кооперация ва агросаноат интеграцияси негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаш ва концентрациялашни янада ривожлантириш тўғрисида”ги, “Қишлоқ хўжалиги фанининг самарадорлигини янада ошириш ва унинг ишлаб чиқариш йўли билан алоқасини мустаҳкамлаш тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари илм – фанни янада марказий бошқарувга бўйсундирди. Қарорлардан келиб чиқиб В.Ленин номидаги бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академияси Ўрта Осиё, Шарқ, Кавказorti республикаларидаги илмий – тадқиқот институти, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг барча йўллари устида изланишлар олиб бораётган олимларга яна гетерозис, эксперементал мутагенез, турлараро гибридлаштириш, ўғитлардан ва сувдан фойдаланиш коэффицентини ошириш, толанинг технологик сифатини яхшилаш, гектаридан 70-80 центнер ҳосил берадиган, вильтга чидамли, IV ва V типдаги тола берадиган тезпишар, тўқимачилик саноати талабларини қондирадиган, ҳосили машинада теришга мослаштирилган, 37-38 фоизга қадар толаси кўп чиқадиган юқори сифатли, чигити сарёғ ва оқсил моддасига бой бўлган серҳосил пахта навларини етиштириш каби вазифалар белгиланди[11].

Тадқиқот ишларига давлат органларининг аралашуви билан институт бажарадиган вазифалар СИКП МҚ съезд, пленумларида белгиланди. Масалан, СИКП МҚнинг 1977 йил декабрь пленумида Л.Брежнев пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш вазифалари қаторига серҳосил ва тезпишар, касаллик ва қишлоқ хўжалик заракунандаларига чидамли, толаси юксак технологик сифатларга эга бўлган янги пахта навларининг селекцияси ва шундай навларини чиқариш борасида тадқиқотларни фаоллаштириш, машиналар комплексини яратишга кўмаклашиш каби олимларнинг муҳим вазифалари қилиб белгиланди[12].

Қишлоқ хўжалигига маъмурий аралашув, режани бажаришнинг қатъий талаби, илмий исботланган алмашлаб экишга эътиборсизлик каби ҳолатлар табиийки, тупроқ унумдорлигининг камайиб, ҳосил сифатининг пасайиб кетишига олиб келди. Шу мақсадда институт жамоаси томонидан республика пахта комплексида илмий – асосланган алмашлаб экишни жорий қилиш тавсия этилди. Бу тавсияларга пахтачиликни ривожлантириш концепцияси юзага келди. Бу концепцияда барча тармоқлар, хусусан, пахтачилик, шолчилик, сабзавот, картошка, полизчилик ва чорвачиликни уйғун ривожлантириш белгиланди. Шунга мувофиқ пахта комплексида ғўза ўстирадиган майдонларни 60 фоизга қадар камайтириш, беда ва бошқа озуқа экинларини етиштиришни кўпайтириш кўзда тутилди[13].

Қишлоқ хўжалигидаги муаммоларнинг ортиб бориши пахта етиштирадиган республикаларда тупроқнинг турли хил емирилишига – сув, шамол, туз, жар, тоғ эрозиясида яққол кўрина бошлади. Биргина, Ўзбекистоннинг ўзида 3 млн.га. ердан зиёд ер тупроқ эрозиясига учради. Республикадаги 252.94 минг га. ер юқори даражада шўрланди. Сув ва тупроқ

эрозиясини олдини олиш ишлари ҳам СоюзНИХИ олимларининг илмий тадқиқот ишларидан ўрин олди. 1980 йилларга келиб, олинган натижаларга кўра Қарши чўли, Бухоро воҳаси ва Хоразм областида очик зовурлардан, Мирзачўлда эса вертикаль дренажларга ўхшаш очик коллектор дренаж тармоқларидан, Фарғона водийсида ёпиқ горизонтал дренажлардан фойдаланиш яхши самара бериши исботланди[14].

Экологик ҳолатнинг бузилиб бориши бошқа турли дефолиантларни ишлаб чиқиш, ўрганиш ва амалиётга қўллаш вазифаларининг қўйилиши натижасида институт ходимлари “Дўстлик”, “Ҳаёт”, “Дроп”, “Дефлоракс”, каби дефолиантлар тажрибадан ўтказдилар. “Ҳаёт”, “Дроп”, “Геметрал” каби дефолиантлар ғўза барглари сифатли тушириши мумкинлиги исботланди. Бу дефолиантларнинг ҳатто, “зарарсизлиги” ҳам исботланди[15].

Ўрта ва ингичка толали пахта навлари генетика ва селекцияси, пахтанинг паст бўйли ва карлик навлари селекцияси, пахта физиологияси ва биохимияси, кимёвий ва радиацияли мутагенез, пахта иммунитетини генетикаси, пахтани териш, сақлаш масалалари, пахта классификацияси ва тизимлилиги, пахта агротехникаси ва тола сифати, тола сифатининг шакллари ва унинг баҳоланиши, пахта селекциясига кетган материалларни фитопатологик баҳолаш, пахта биотехнологияси, уруғчилик, пахта уруғшунослиги, янги навлар ва селекция йўллари экологик сортлари, генетика бўйича илмий – тадқиқот ишлари координацияси, пахта уруғчилиги ва селекцияси, аспирантура орқали илмий кадрлар тайёрлаш, патент ва ахборот ишлари кабилар билан шуғулланиб келган Г.С.Зайцев номидаги Бутуниттифоқ пахта селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида (ВНИИССХ)да 1987 йил Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 26 октябрдаги фармойишига биноан “Пахта уруғчилиги ва селекцияси” (НПО) илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди. Унга Уйчи туманидаги “Қизил - Равот”, Сурхондарё навларини “Оққўрғон” хўжаликлари ва институт қошидаги марказий тажриба базаси киритилди. НПОнинг вазифасига янги навларни ишлаб чиқишда институт илмий потенциалини эффективлигини ошириш вазифалари кирди.

1977 йилдан институтда “Селекция ва уруғчилик” ихтиссослиги бўйича фан номзоди бўйича илмий унвон берадиган Кенгаш ишга тушди. 1977-1990 йиллар давомида Кенгашда 54 нафар юқори малакали мутахассислар номзодлик, докторлик ҳимояларини қилдилар. Бу мутахассислар томонидан 1988 йилда В.А.Автомонав, А.А.Автомонав ва б.лар томонидан ихтиро қилинган, вильтга қарши тура оладиган С-4880 пахта нави, 1990 йилдан П.В.Попов томонидан ихтиро қилинган С-9070 республикада районлаштирилди. 1990 йилга келганда институтда 5 та бўлим, 17 та илмий лаборатория ишлаб турди ва шу йиллардан янги, чидамли С-6530, Наманган - 77, Оққўрғон, С-4908 навлари устида тадқиқот ишлари олиб борилди[16].

1960 йиллардан Г.С.Зайцев номидаги Селекция ва уруғчилик илмий – тадқиқот институти (НИИССХ), 1977 йилдан Бутуниттифоқ пахта селекцияси ва уруғчилиги илмий – тадқиқот институти (ВНИИССХ)да 1960-1965 йилларда С.С.Канаш, 1965-1976 йилларда Ш.И.Ибрагимов, 1976-1987

йилларда С.М.Мирахмедов, 1987 йилдан А.Э.Эгамбердиевлар раҳбарлик қилдилар[17].

Г.С. Зайцев номидаги пахта селецияси ва уруғчилиги бутуниттифок илмий – тадқиқот институтининг “Сурхон” экспериментал-хўжалик филиали ҳар йили 14-15 минг тонна атрофида биринчи, иккинчи тип ингичка толали пахта етиштирди. Хўжаликда 6 тадан 8 тагача янги тип тола экспериментдан ўтказилиб турган. Хўжалик етиштирилган пахта хом ашёси ҳамда уруғни тозалаш ва тайёрлаш мақсадида СССР қишлоқ хўжалиги вазирлиги таркибидаги пахта тозалаш заводларига топширди. Бу заводлар пахтанинг селеция ва ишлаб чиқаришга топширилган барча типдаги толани тайёрланди. Хўжалик ҳудудида Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати вазирлигига қарашли ўрта тип толали пахтани қайта ишлашга мослашган завод ҳам жойлашди.

1983 йилда СССР Қишлоқ хўжалик Министрлиги Ўзбекистон ССР Министрлар Советидан “Сурхон” пахта тозалаш заводини Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати вазирлигидан ўрнатилган тартибда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик вазирлиги таркибига ўтказишни сўради. Бу билан завод Наманган вилояти “Уйчи” хўжаликлараро агросаноат ташкилотлари сингари хом ашёсини ҳам қабул қилиб олиши лозим эди. Бу билан “Сурхон” экспериментал-хўжалик филиали Қашқадарё ва Сурхондарё хўжаликларини юқори сифатили уруғлар билан таъминлаши керак эди[18].

Бироқ, Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати министрлигининг жавоб хатида Сурхондарё вилояти А.М.Автаномов номидаги “Сурхон” пахта тозалаш заводи Сурхондарё области жанубида ягона пильного дженирования заводи бўлган. Завод ўрта толали тип пахтани ва IV сорта ўрта толали пахтани қайта ишлаган. Бу завод Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик вазирлиги таркибига ўтказилса ва унинг ишлашида ўзгартиришлар киритиладиган бўлса област жанубида бирорта пильного дженирования заводи бўлмаслиги таъкидланди. Заводни махсус ихтисослаштирилган уруғчилик завоидига айлантирган тақдирда ҳам талабга жавоб бермаслиги, уруғни сақлайдиган омборхоналар ҳам йўқлиги айtilди. Маблағни етишмаслиги заводни ингичка толали пахта тайёрлаш ҳамда махсус селецияга ихтисослаштириш имконини бермаслиги айtilди[19]. Шундай бўлсада 1983 йил июнь ойига келиб Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бу билан янги ингичка тип толали пахта яратиш ва уруғчиликни янада ривожлантиришга хизма қилишини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон ССР пахта тозалаш саноати вазирлигига қарашли А.М.Автаномов номидаги “Сурхон” пахта тозалаш заводи Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик вазирлиги таркибига ўтказилди[20].

1954 йилда СоюзНИХИ марказий механизация ва агротехника базасида Ўзлаштирилган ерларни механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий – тадқиқот институти ташкил этилди.

Ўзбекистонда 1980 йилларнинг охиригача келиб 60 фоиз ер шўрланди. Бундай ерларда беда ва пахта аламашлаб экишда иштирок этувчи экинларни етиштириш учун тупроқдаги ортикча захарли тузларнинг экин ривожига

ҳосилдорлигига қалбий таъсирини камайтиришга қаратилган ўзига хос агротехник ва мелиоратив тадбирларни амалга ошириш зовурлар фанида шўр ювиш ҳисобланди. СоюзНИХИ ва унинг тажриба станциялари ҳамда филиалларининг кўп марта ва кўп йиллик тажрибаларида “беда пахтанинг энг яхши ўтмишдоши” деб ҳисобланди. Пахтачиликдаги бутун алмашлаб экиш асосини пахта – беда алмашлаб экишда жорий этилган бутун майдоннинг 90 фоизини ташкил этиши керак деб ҳисобланди[21].

Дарҳақиқат олимлар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, хусусан, алмашлаб экиш борасида бир қатор илмий янгиликларни ишлаб чиқдилар. Жумладан, Ўзбекистоннинг тупроқ – иқлим шароити ҳисобга олинган ҳолда пахтани алмашлаб экиш схемалари ишлаб чиқилди. Бунинг учун республика ҳудудларида тоғ этаги ва ярим чўл адирлардан ва текис чўл ерлардан иборат бўлган ҳудудларга бўлиб чиқилди. Шунингдек, вилтга қарши алмашлаб экиш, тупроқни сақловчи алмашлаб экиш, мелиоратив далада алмашлаб экиш кабилар ишлаб чиқилди[22].

Алмашлаб экиш бўйича берилган тавсиялар, лойиҳалар асосида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тартиб билан амалга оширилмади. Масалан, 1990 йилда ҚАССР 15 фоиздан ортиқ алмашлаб экиш майдонлари лойиҳа ҳужжатлари билан таъминланмади. Шунингдек, Қашқадарё вилоятида 23 фоиз, Сурхондарёда 25 фоиз, Сирдарёда 17 фоиз, Бухорода 15 фоиз, Самарқандда 5 ва Хоразм вилоятида 8 фоиз алмашлаб экиш лойиҳа ҳужжатларига эга бўлмади. Бутун республика бўйича олганда ҳар беш гектардан майдондан бирида аҳвол шундай бўлди. Боғдорчилик ва узумчилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларга ихтисослашган, кўп йиллик экинлар экиладиган озгина ҳайдалаган участкалари ёки лалмикор яйловлари бўлган хўжаликларнинг ерлари ҳам лойиҳа ҳужжатлари билан таъминланмади. Ҳатто, бундай ҳужжатларни тайёрлаш учун қишлоқ хўжалик органлари томонидан буюртмалар ҳам тушмаган[23].

СоюзНИХИда ҳам амалга ошириб келган тадқиқот ишларида шўр ювиш масаласи ҳам долзаб бўлиб борди. Масалан, пахта ҳосили ва унинг сифати кўп жиҳатдан шўр ювиш сифатли бўлиши билан боғлиқлиги кўрсатиб берилди. Агар кучсиз шўрланган ерларда ғўза тупининг ғўза тупининг қалинлиги 25-30 фоиз, ўртача шўрланганда деярли 40-50 фоиз камайса, кучли даражада шўрланган ерларда эса 70-75-80 фоиз камайса, бундай ерларда пахта ҳосилдорлиги 2-3 барабар ва ундан кўп камайиши асослаб берилди. Бу илмий асосга қараб Мирзачўл, Жиззах, Сурхон-Шеробод чўлларида шўр ювишни ўтказиш яхши ташкил этилган хўжаликларда пахта ҳосили гектарига 40 центнер ва ундан кўпроққа етган. Шу билан бирга бу зона ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмон бўлганлиги натижасида кўпчилик хўжаликларда ҳосилдорлик пастлигича қолаверди. Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё областлари ва бошқа шўрланган тупроқли ерларда ўртача пахта ҳосилдорлиги 20-25 фоиз атрофида қолди.

Ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, Бухоро, Қашқадарё областлари ва Мирзачўл зонасида ўтказилган кўпгина тажрибалар шўр ювиш ер ости сувлари чуқур бўлган куз-қиш ойларида ўтказилганда яхши самара

беришини кўрсатди. Баҳорда ер ости сувлари сатҳи кўтарилганда шўр ювиш самарадорлиги анча пасайиши белгилаб берди. Бироқ, кузги шудгор қилиш муддатларининг кечикиши шўр ювиш муддатларини чўзиб юборди. Айниқса, Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Бухоро областлари ва Мирзачўл зонасида кўпроқ намоён бўлди. Бу ерларда шўр ювиш асосан баҳорда ўтказилганлиги сабабли фан тавсия этган 6-8 кун ўрнига баъзи хўжаликларда 1,5-2 ойгача чўзилиб кетди[24]. Шу ўрнида таъкидлаш лозим, пахта ҳосилдорлигини ошириб бориш, режани бажаришнинг қатъий талаби бу илмий натижаларнинг амалга оширилишига имкон бермади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, СИКП Марказий Комитети партия раҳбарияти пахтачилик илмий-тадқиқот институти ва пахта етиштириш соҳасидаги тадқиқотлар билан шуғулланувчи бошқа бирлашмалар фаолиятига қонуний равишда, ноўрин аралашди. Ўзбекистон ҳудудининг айрим ҳудудларидаги қишлоқ хўжалиги ишларнинг ҳақиқий ҳолати ва вазиятини билмасдан, Ўзбекистон ССР Пахтачилик илмий-тадқиқот институти ва пахтачилик соҳасидаги тадқиқотлар билан шуғулланадиган бошқа бирлашмаларнинг тадқиқотлари натижасида пахта экинларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Аммо, СИКП Марказий Комитети томонидан режани амалга оширишга қатъий талаблар қўйилганлиги сабабли кўпгина илмий ишлар таклифлари амалга ошмаган.

Юқоридаги ноўрин аралашувларни биз кадрлар билан таъминлашда ҳам кузатсак булади. Совет ҳукуматини Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигида кадрлар билан таъминлашдан мақсад қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва коллективлаштириш бўлиб, бу колхозлар ва совхозларни яратиш ва уларни механизациялашни назарда тутган. Совет ҳукумати Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигида илм-фанни ривожлантиришни ишлаб чиқариш самарадорлигини, айниқса пахтачилик ва суғоришда модернизация қилиш ва оширишнинг муҳим воситаси сифатида кўриб чиқди, минтақанинг қишлоқ хўжалигини яхшилаш учун замонавий технологиялар ва билимларни жорий етишга интилди. Бунга маҳаллий шароитларни янги усулларга мослаштириш учун илмий муассасалар ташкил этиш, ўқитиш ва тадқиқотлар киради.

Ўлка учун асосий соҳага айланган пахтачиликка алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада пахта ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш бўйича кенг кўламли илмий изланишлар олиб борилди. Совет ҳукумати амалий қишлоқ хўжалиги муаммоларини ҳал қилишга қодир маҳаллий илмий кадрларни тайёрлашга сармоя киритди, шунингдек ССРнинг бошқа минтақаларидан мутахассисларни жалб қилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш учун соҳага хос илмий-тадқиқот институтлари ва тажриба станциялари ташкил этилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш учун соҳага хос илмий-тадқиқот институтлари ва тажриба станциялари ташкил этилди.

Совет давлати ҳукмронлиги йиллари ҳукумат илм – фан ривожланишига маълум даражада маблағ ажратган. Фан ва техниканинг ривожланиши давлат сиёсатининг ғоявий рағбатлантириш берилган асосий йўналиши бўлди. Фан

ва техника бутун совет давлати ҳукмронлиги йилларида кенгайиб ривожланиб борди. Жумладан, 1929 йилда СССРда 1263 та илмий ташкилотлар бўлган бўлса 1988 йилга келиб, бу кўрсаткич 5111 тага етди, яъни тўрт мартага ўсди [25].

Совет ҳокимияти ўрнатилгач, сиёсий жараёнлар таъсирида, хусусан, 1920-1930 йилларида илмий ходимлар рўйхати ўтказилмади. Лекин, 1918-1920 йилларда янги ташкил этилган илмий марказ ва илмий – тадқиқот институтлари ҳисобига илмий ходимлар сони кескин ошди. Академик У.Ю.Шмидт ва Б.Я.Смулевич бошчилигида СССР Госплани томонидан ўтказилган тадқиқот материлларида кўрсатилишича, 1929 йил охирларига келиб СССРда илмий кадрлар сони 30,5 минг нафар бўлган, улардан 11,6 минг нафари илмий – тадқиқот марказларида банд бўлганлар, 16,5 минг нафари олий таълим муассасаларида, 2,4 минг нафари ишлаб чиқариш ташкилотлари ва давлат аппаратида ишлаганлар [26].

1930 йиллардан қишлоқ хўжалик фанларига ҳам сиёсат аралаша бошлади. “Халқ отаси” Сталинга эртакона сифат, катта қишлоқ хўжалик ҳосилдорлиги керак бўлганлиги сабабли мажлислардаги қишлоқ хўжалиги-нинг келажакдаги ютуқлари ҳақидаги маърузалар ўрни ола бошлади. Бу ҳақида Г.Вавилов, Дж.Мёллерга ёзган хатида “биз барчамиз интернационалистлармиз ва ўзимизни жаҳон илмидан узоқлаштирмоқдамиз”, дейди. Бунга жавобан И. Сталин “бизда фанни интернационаллаштириш овоза қилинмоқда. Фанни интернационаллаштириш ғояси – бу айғокчилик ғоясидир. Бундай олимларни уриш керак”, дейди.

Г.А. Лахтиннинг маълумотларига кўра 1930 йилларда илмий ходимлар сони олий ўқув юртлари очилиши ҳисобига ошиб борди. 1934-1940 йилларда профессор – ўқитувчилар сонининг ортиб бориши ҳисобига илмий тадқиқотлар олиб боровчилар сони 1,5 мартага камайиб кетди. Бу ўз навбатида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ихтиёжини юага келтирди[27]. 1939 йилга келиб Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институти (ВИР)нинг йиллик ҳисоботи ВАСХНИЛ томонидан қабул қилинмади. Институт илмий тадқиқотлари натижалари “кераксиз” деб эълон қилинади [28]. Бироқ, Н.И. Вавилов тадқиқотлари ўсимликлар генофонди бўйича жуда катта муваффақиятларга эришди ва Н.И.Вавилов ҳаётлигида ўсимликлар коллекцияси сони 250 мингга етди. У ўз илмий экспедициясини Марказий Осиёга саёҳатидан бошлади[29]. Н.И.Вавилов 1940 йил август ойида қамокқа олинади ва 1943 йил 26 январда қамокда очликдан вафот этади[30]. Н.И.Вавилов қамокқа олингунга қадар турли илмий ташкилотларга 5 млн. пакетда турли ўсимликларнинг уруғини, мевали ўсимликларни эмлаш учун 1 млн. ҳар хил томирлар ва барклар (черенков) тарқатди. 1934 йилда ВИРнинг коллекцияси 200 минг наъмунадан иборат бўлиб, улардан 304 тури, 2260 турини ташкил этиб, жаҳонда энг катта коллекция ҳисобланди. 1934 йилда инглиз профессорлари А.Грей, В.Д.Купер ва Д.Лоуренс Буюк Британия ҳукуматига ҳисоботида “Россиядан ташқари бирорта бир мамлакатда селекция учун ер шарининг турли ерларида ўсадиган ёввойи ва маданий экинлар бунчалар кўп ўрганилмайди”, деб ёзади[31].

1940 йилда СССР Марказий Статистика Қўмитаси маълумотларида мамлакатда 98,3 минг нафар илмий ходим қайд этилди. Бу кейинги ўн йилда икки маротабага ошди. Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши билан мамлакатда илмий кадрлар сони қисқариб, илмий ташкилотлар ходимларининг сони ортди. 1950 йилларда тадқиқотчи кадрлар сони икки мартага ортди[32]. Мамлакатда фан ва техниканинг ривожланиши, илмий-тадқиқотларнинг олиб борилиши, илмий тадқиқотларнинг халқ хўжалигига жорий этилишида СССР Фан ва техника бўйича давлат комитети (ГКНТ СССР) ҳам муҳим роль ўйнади. У 1948 йилда халқ хўжалигига янги техникаларни жорий этиш ташкилоти сифатида ташкил этилиб, фан ва техникани ривожлантиришда бир қатор вазифаларни бажарди. 1965-1978 йилларда СССР Министрлар Советининг Фан ва техника бўйича Давлат комитети деб номланди. Кейинчалик СССР Фан ва техника давлат комитети деб номлана бошлади.

1960 йилларда илмий ташкилотлар сони режалаштирилган ҳолда ортиб борди, жумладан, 1961-1965 йилларда бутун 50 йил давомида очилган муассалалар сони 4254га етди. Ўсиш суръати 12 фоизни ташкил этсада, бироқ, илмий кадрлар сони иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврдан озгина ошди ҳамда тадқиқотчилар сони ортиб йилигига 25 фоизданга етди. Натижада келажакда мана шу тадқиқотчилар фанни ривожлантиришга хизмат қилдилар[33].

Иқтисодий районларда илмий – тадқиқот институтлари фаолиятини ташкил этиш ва борларини кенгайтириш йўли билан мамлакат иқтисодий салоҳиятини ўстириш мақсадида 1969 йил КПСС МҚнинг “РСФСРнинг алоҳида иқтисодий районларида илмий тадқиқот ташкилотларини ривожлантириш ҳақида”ги фармойиши чиқди. Бу ташкилотларни малакали кадрлар билан таъминлаш эҳтиёжи ҳам келиб чиқди. Самарадорлиги кам бўлган ходимларни ўрнига малакали мутахассисларни қўйиш мақсадида 1961 йилдан бошлаб конкурс асосида ишга қабул қилиш белгиланди. 1950-1960 йилларда “қанча кўп бўлса шунча яхши” шиори остида 1950 йиллардан 1965 йилгача илмий ходимлар сони 4 мартага ошди. 1950 йилдан 1970 йилгача 7 мартага ошди. Бу халқ хўжалигини ўстиришга бўлган ҳаракатлар заминиди ҳам содир бўлди. Агар халқ хўжалигида банд бўлганлар 1940 йиллардан 1970 йилларгача 1,7 мартага ошган бўлса, биргина 1960 йилларда 27 фоизга ошди. 1963-1969 йилларда илмий кадрлар сони ўсишни давом этди, бу йилига 7-8 фоизни ташкил этди. 1970 йилларда 18 фоизни ташкил этган бўлса бу ўн йилликнинг иккинчи ярмига келиб бирмунча пасайди ва 1980 йилларда 4 фоизни ташкил этди. Бу турли тармоқлар ўртасида талабга бўлган рақобатнинг ортиши, бу вақтда фан ҳам кўплаб меҳнат ресурсларини талаб этди[34]. Кейин яна олий таълим муассасаларидаги йўналишларнинг сони ҳисобига илмий кадрлар сони ортиб борди. Г.А.Лахтиннинг фикрича бундай ўсиш “ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва маҳсулотларига талабнинг ортиши ҳисобига содир бўлиб, бу янги илмий ташкилотлар ва янги вакансияларнинг яратилиши билан қоплана бошлади”[35]. Шундай бўлсада, фаннинг самарали

ривожланишига илм-фанда маъмурий бошқарувнинг аралашуви, технология билан паст таъминланиши ўз таъсирини ўтказди.

1961 йилга келиб бутун Совет Иттифоқидаги республикаларда Фанлар Академияси ташкил этилди. СССРда юқори даражада ривожланган илмий марказлар Киев, Харьков, Свердловск, Минск, Тбилиси, Ереван каби йирик шаҳалар бўлди[36]. Киевда ишлаётганларнинг 10 фоиздан ортиғи, Тбилисида 20 мингдан ортиқ, Тошкентда 26 мингдан ортиқ, Ереванда 10 мингдан ортиқ киши фан ва илмий тадқиқот билан шуғулланадилар[37]. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин. СССР ва иттифокдош республикаларда илмий ходимларининг илмий тадқиқот билан шуғулланадиганлар (минг киши ҳис.).

СССР ва иттифокдош республикаларда илмий ходимларининг илмий тадқиқот билан шуғулланадиганлар (минг киши ҳис.)

№		1940	1960	1980	1988
1	СССР	98,3	354,2	1373,3	1522,2
2	РСФСР	62,0	242,9	937,7	1032,1
3	УССР	19,3	46,7	195,8	219,3
4	БССР	2,2	6,8	38,1	44,1
5	ЎзССР	3,0	10,3	35,3	40,2
6	КазССР	1,7	9,6	37,4	41,4
7	ГрузССР	3,5	9,2	25,2	29,0
8	ОзССР	1,9	7,2	22,0	22,7
9	ЛитССР	0,6	3,3	14,3	15,4
10	Молдова ССР	0,2	2,0	8,8	10,2
11	ЛатвССР	1,1	3,4	12,6	14,0
12	ҚиргССР	0,3	2,3	8,2	10,1
13	ТожССР	0,4	2,2	7,6	9,1
14	АрмССР	1,1	4,3	19,1	21,8
15	ТуркССР	0,5	1,8	5,0	5,7
16	ЭстССР	0,5	2,2	6,2	7,1

Лекин совет илм – фанида ўсишнинг оқсашига фақат меҳнат ёки бошқа ресурсларнинг етишмаслиги эмас, фаннинг яқуни сифатида янги техника, технология тизими, эҳтиёж товарларга бўлган талабнинг ортиб боришини жорий этиш учун жуда кўп маблағ талаб этди. Масалан, 1966-1970 йилларда

ихтиро қилинган лойиҳалар намуналаридан 2,5 мартага кам фойдаланилди. Хуллас, “Технология ва фан ривожланишининг маълум миқдорий кўрсаткичларини ўсишининг асосий мақсадини эълон қилган илмий-техник тараққиётнинг мафкураси ва амалиёти ертами-кечми, улар интенсивлик йўлига ўтишининг тарихий муқаррарлиги билан зиддиятга келишлари керак эди” [38].

1976 йил 26 августда КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг “Қишлоқ хўжалик фани самарадорлигини ошириш ва уни ишлаб чиқариш билан алоқаларини мустаҳкамлаш чора – тадбирлари ҳақида”ги фармойиши чиқди.

Бироқ, илмий-тадқиқот ишларига маъмурий бошқарувнинг аралашishi ҳолатлари кучли бўлганлиги боис, бу борада ҳам оқашлар кучайди. Бу тадқиқотчилар томонидан илмий бюрократия деб аталиб, бу хусусда венгер тадқиқотчиси Ш.Салаи “илмий бюрократия замонавий жамиятда тадқиқотларнинг қандай йўл билан бориши ва ривожланишига таъсир ўтказди”[39], деб ёзган эди. 1980 йилларда замонавий илмий бюрократия илмий маъмуриятнинг марказий ихтисослашган штати ҳамда илмий тадқиқотларда бевосита иштирок этмасдан илмий тадқиқот марказларининг фаолияти билан шуғулланадиган мутахассислашган маъмурий аппарат каби қатламлардан иборат бўлди. Бу қатламларнинг илмий мавзуларига катта таъсир ўтказадиган яна бир юқори қатлам бўлиб, улар тадқиқот институтларининг бошқарув органлари, гуруҳ раҳбарлари, сектор бошлиқлари эди [40]. СССР илмий базаси 3 мингта тажриба ишлаб чиқариш базасига эга бўлди, унда 1 млн. киши ишлади. Лекин, уларнинг ярми илмий тадқиқот натижаларини қўллаш ва натижа олиш имконига эга бўлмаганлар, тажриба участкаларига эга бўлмаганлар [41].

1980 йилларнинг охирига келиб илмий кадрларнинг ижтимоий - иқтисодий страфикацияси мураккаблашиб борди. Авваллари барча илмий ходимлар давлат ташкилотлари ходими бўлган бўса, кейинчалик илмий – тадқиқот институтларига илмий – техник кооперативлар ходимлари, бошқа илмий тадқиқот ишларига яқин бўлган турли ташкилотлар ходимлари кириб кела бошлади. Уларнинг баъзилари мустақил тадқиқот ишлари олиб боришни йўлга қўйдилар[42]. Ш.Салаи шундай ёзади, “билимнинг баъзи тармоқлари эски стандартлар билан етарли даражада “кичик илм” билан зарарланганлар, институтдан ташқарида эса “тадқиқот ва ишлаб чиқиш” даражасида гуллаб-яшнамоқдалар”[43].

ХУЛОСА

Совет ҳукумати Ўрта Осиёни қимматли қишлоқ хўжалиги ресурслари, биринчи навбатда пахта манбаи, шунингдек хавфсизликни таъминлаш ва унинг таъсирини кенгайтириш учун муҳим стратегик ҳудуд сифатида кўриб чиқди.

Ўрта Осиё совет иттифоқини пахта билан таъминлаш учун жуда муҳим эди, бу эса Совет тўқимачилик саноати учун моддий асос яратди. Пахтадан ташқари Совет иқтисодиёти учун зарур бўлган бошқа қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари ва минерал ресурслар манбаи сифатида муҳим аҳамиятга эга эди. Совет ҳукумати табиий ресурсларни аниқлаш ва ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини режалаштириш ва Ўрта Осиё иқтисодиётини модернизация қилиш учун илмий тадқиқотлардан фойдаланган, бу унинг Совет режалаштириш тизимида киритилишига ёрдам берган. Илмий институтлар совет иқтисодий модели доирасида улардан самарали фойдаланиш учун зарур бўлган дала тадқиқотларини ўтказдилар, геологик, гидрологик ва бошқа табиий ресурсларни ўргандилар.

Бутуниттифоқ пахта ишлаб чиқариш илмий-тадқиқот институти (Союз НИХИ) Россия учун СССРда пахта етиштириш технологияси соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларининг координатори сифатида муҳим рол ўйнади ва унинг асосий фаолияти пахта етиштириш билан боғлиқ бўлишига қарамай, саноатнинг ривожланишига ҳисса қўшди.

Институт совет иттифоқи бўйлаб пахта хомашёсини етиштириш технологияси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бирлаштирган ва бошқарадиган асосий марказ эди. Институт СССР пахта саноатини қўллаб-қувватлади, уни илғор агрономик ва технологик ишланмалар билан таъминлади. Россиянинг ўзи пахтачиликнинг асосий минтақаси бўлмаса-да, СоюзНИХИ у учун умумий Совет иқтисодий тизимининг бир қисми сифатида муҳим эди. Институтнинг илмий ютуқлари мамлакат қишлоқ хўжалигининг умумий ривожланишининг бир қисми бўлиб, барча Иттифоқ республикаларининг иқтисодиёти ва озиқ-овқат хавфсизлигига ижобий таъсир кўрсатди. Институт пахтачилик соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва илмий салоҳиятни шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшди. Совет Иттифоқида қишлоқ хўжалиги кадрлари билан таъминлашнинг асосий мақсади ҳосилдорликни ошириш ва саноатни яратиш ва ривожлантириш учун етарли малакали ишчиларни тайёрлаш учун йирик колхозлар ва совхозлар ташкил этиш эди. Бунга қишлоқ хўжалиги ишчиларини ёллаш ҳам, уларни қайта тайёрлаш ҳам кирди. Совет иттифоқи фанга мафкуравий, сиёсий ва стратегик сабабларга кўра аралашди, фан давлатни мустаҳкамлаш воситаси сифатида қаралди, айниқса Ғарб билан қарама-қаршиликда, бу эътирозсизларни таъқиб қилишга олиб келди.

Кадрлар сиёсати ва улар билан боғлиқ масалалар жамоатчилик билан алоқалар тизимида ҳам, шу жумладан жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий жиҳатларида ҳам, қишлоқ хўжалиги фанлари каби жамиятнинг маънавий соҳасида ҳам совет ҳокимиятининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолди. Совет ҳукумати қишлоқ хўжалиги соҳасида иштирок этадиган илмий-тадқиқот институтлари ва ташкилотларини яратишга ҳам эътибор қаратди. Илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг ролини кучайтириш, иқтисодий ўсиш ва аниқ ҳудудларни ривожлантиришга эътибор қаратилди, бу нафақат илмий ташкилотлар сонининг кўпайиши ва молиялаштиришни, балки уларнинг иш самарадорлигини оширишни, шунингдек, минтақа иқтисодиётининг эҳтиёжларига кўра, ишлаб чиқариш сектори ва реал сектор билан яқин интеграцияни англатади. Совет ҳукумати илмий тадқиқот институтлари ва

илмий тадқиқотлар билан шуғулланадиган бошқа бирлашмалар фаолиятига, айниқса ходимларни бошқариш масалаларига қонуний равишда аралашди. Бу уларнинг фаолиятига жиддий таъсир кўрсатди.

ФОЙДАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Всесоюзному ордена Трудового Красного Знамени научно – исследовательскому институту селекции и семеноводства хлопчатника им. Г.С.Зайцева 70 лет. – Ташкент. ВНИИССХ им. Г.С.Зайцева, 1992- С. 13.
2. Всесоюзному ордена Трудового Красного Знамени научно – исследовательскому институту селекции и семеноводства хлопчатника им. Г.С.Зайцева 70 лет. – Ташкент. ВНИИССХ им. Г.С.Зайцева, 1992- С. 9.
3. Всесоюзному ордена Трудового Красного Знамени научно – исследовательскому институту селекции и семеноводства хлопчатника им. Г.С.Зайцева 70 лет. – Ташкент. ВНИИССХ им. Г.С.Зайцева, 1992- с. 16.
4. В научно-исследовательских учреждениях//Сельское хозяйство Узбекистана. 1957, - №7, - с. 72.
5. Ўз МА Р- 837, рўйхат – 41, йиғма жилд -6161, - 8 варак.
6. Ўз МА Р- 837, рўйхат – 41, йиғма жилд -6161, -22 варак.
7. Всесоюзному ордена Трудового Красного Знамени научно – исследовательскому институту селекции и семеноводства хлопчатника им. Г.С.Зайцева 70 лет. – Ташкент. ВНИИССХ им. Г.С.Зайцева, 1992- с. 18.
8. Деҳқонларнинг меҳнат жасорати//Совет Ўзбекистони. 1971 йил 23 ноябрь.
9. Олим ва пахтакор – бир сафда//Совет Ўзбекистони 1977 йил 13 сентябрь.
10. Пахта даласининг илмий уфқлари//Совет Ўзбекистони. 1978 йил 8 февраль.
11. Олим ва пахтакор – бир сафда //Совет Ўзбекистони 1977 йил 13 сентябрь.
12. Пахта даласининг илмий уфқлари // Совет Ўзбекистони. 1978 йил 8 февраль.
13. Ҳусанов Р. Изланиш, натижа, истиқбол // Совет Ўзбекистони. 1989 йил 18 июль.
14. Ҳусанов Р. Изланиш, натижа, истиқбол // Совет Ўзбекистони. 1989 йил 18 июль.
15. Ҳусанов Р. Изланиш, натижа, истиқбол // Совет Ўзбекистони. 1989 йил 18 июль.
16. Всесоюзному ордена трудового красного знамени научно – исследовательскому институту селекции и семеноводства хлопчатника им. Г.С.Зайцева 70 лет. – Ташкент. ВНИИССХ им. Г.С.Зайцева, 1992- с. 17.
17. Всесоюзному ордена трудового красного знамени научно – исследовательскому институту селекции и семеноводства хлопчатника им. Г.С.Зайцева 70 лет. – Ташкент. ВНИИССХ им. Г.С.Зайцева, 1992- с. 19.
18. Ўз МА Р- 837, рўйхат – 41, йиғма жилд -6161, - 28 варак.
19. Ўз МА Р- 837, рўйхат – 41, йиғма жилд -6161, - 30-31 вараклар.

20. Ўз МА Р- 837, рўйхат – 41, йиғма жилд -6161, - 38 varaқ.

21. Илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш, қишлоқ хўжалиги экинларини тўғри жойлаштириш ва ғўза агротехникаси масалаларига бағишланган жумхурият семинар – кенгаши материаллари. - Самарқанд. 1990 й. – Тошкент. 1990. – 71 бет.

22. Раҳмонов А. Ютуқлар, тўсиқлар, режалар // Илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш, қишлоқ хўжалиги экинларини тўғри жойлаштириш ва ғўза агротехникаси масалаларига бағишланган жумхурият семинар – кенгаши материаллари. Самарқанд. 1990 й. – Тошкент. 1990. – 80 бет.

23. Раҳмонов А. Ютуқлар, тўсиқлар, режалар // Илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлашти-риш, қишлоқ хўжалиги экинларини тўғри жойлаштириш ва ғўза агротехникаси масалаларига бағишланган жумхурият семинар – кенгаши материаллари. Самарқанд ш., 1990 й. – Тошкент. 1990. – 8 б.

24. Имомалиев А. Эртапишар пахта етиштириш технологияси. – Тошкент. Ўзбекистон, - 14 бет.

25. Наука в СССР: О чем говорит статистика. Инфографический альбом. – Москва. Российский государственный гуманитарный университет, 2023. – С. 40.

26. Научные кадры СССР: динамика и структура. – Москва. Мысль, 1991. - С. 39.

27. Научные кадры СССР: динамика и структура. – Москва. Мысль, 1991. - С. 39.

28. Драгавцев В.А. Николай Иванович Вавилов – один из великих ученых земли в области генетических ресурсов растений //Известия ТСХА. Выпуск 4, 2012. – С.82.

26. Гончаров Н.П. Экспедиции Н.И.Вавилова //Вавиловский журнал генетики и селекции. 2012. Том 16, -№3. – С.562.

27. Драгавцев В.А. Николай Иванович Вавилов – один из великих ученых земли в области генетических ресурсов растений //Известия ТСХА. Выпуск 4, 2012. – С.85.

28. Александров В.Я. Трудные годы советской биологии. Записки современника. - СПб, 1992. –С. 86.

29. Научные кадры СССР: динамика и структура. – Москва. Мысль, 1991. - С. 39.

30. Научные кадры СССР: динамика и структура. – Москва. Мысль, 1991. - С. 97.

31. Научные кадры СССР: динамика и структура. – Москва. Мысль, 1991. - С. 97.

32. Вестник Академии наук СССР. 1987. -№3, - С.35.

33. Каныгин Ю., Ботвин В. Проблемы развития и использования научного потенциала крупных городов. – Киев. 1980. – С. 31-34.

34. Научные кадры СССР: динамика и структура. – Москва. Мысль, 1991. - С. 107.

35. Организация управления: проблемы перестройки. – Москва.1987. – С. 166.
36. Салаи Ш. Замечания о научной бюрократии //Социальные показатели в системе научно – технической политики. – М., 1986. – С. 386-387.
37. Научные кадры СССР: динамика и структура. – Москва. Мысль, 1991. - С. 24-25.
38. Научные кадры СССР: динамика и структура. – Москва. Мысль, 1991. - С. 24-26.
39. Научные кадры СССР: динамика и структура. – Москва. Мысль, 1991. - С. 30.
40. Научные кадры СССР: динамика и структура. – Москва. Мысль, 1991. - С. 28.

Бахранов Ш. Т.

PhD., преподаватель кафедры «Военный патриотизм, духовно-просветительское воспитание и социальная работа с молодежью»
Университет общественной безопасности Республики Узбекистан
Sherofkun82@mail.ru

К ВОПРОСУ О РЕШЕНИИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ ЗАДАЧ СОВЕТСКИМ ПРАВИТЕЛЬСТВОМ В ОБЛАСТИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА УЗБЕКСКОЙ ССР

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена политике Советской власти в рамках научно-исследовательских задач в сфере сельского хозяйства в Узбекской ССР. В работе проведен анализ деятельности института хлопководства, в частности, координирование и направление научных исследований в области хлопководства. В исследовании обосновывается, что институт способствовал увеличению производства хлопка, повышению его качества и внедрению новых технологий в хлопководстве. В работе также анализируются проблемы, связанные с деятельностью научно-исследовательских институтов и организаций, занимающихся кадровыми вопросами; также доказано, что Советская власть систематически вмешивалась в деятельность научно-исследовательских институтов и других объединений, что отрицательно сказывалось на работе и функционировании данных организаций.

Ключевые слова: Политика, Советская власть, научно-исследовательский вопрос, сельское хозяйства, Узбекская ССР, хлопководство.

Bakhranov Sh. T.

PhD., lecturer at the department of «Military patriotism, spiritual and educational education and social work with youth»
University of public safety of the Republic of Uzbekistan
Sherofkun82@mail.ru

ABSTRACT

This article is devoted to the policy of the Soviet authorities within the framework of research tasks in the field of agriculture in the Uzbek SSR. The study analyzes the activities of the Cotton Research Institute, in particular its role in coordinating and directing scientific research in the sphere of cotton growing. The research substantiates that the institute contributed to the increase of cotton production, improvement of its quality, and the introduction of new technologies in cotton cultivation. The article also examines the problems related to the activities of research institutes and organizations dealing with personnel issues; it is also proven that the Soviet authorities systematically interfered in the work of research institutes and other associations, which had a negative impact on the functioning of these organizations.

Keywords: Policy, Soviet authorities, research issue, agriculture, Uzbek SSR, cotton growing.